

Хамидов Асилбек Алишер ўғли
Криминология тадқиқот институти
илмий ходим-тадқиқотчиси, капитан
E-mail: alfalawyeruzb@gmail.com
Phone: +998 94 822-28-51

**“Ўта шафқатсизлик билан” содир этилган жиноятларнинг
тадрижий ривожланиши ва ретроспектив таҳлили**

“Ўта шафқатсизлик — бу шунчаки жиноят содир этиши усули эмас, балки жиноятчи шахсиятидаги чуқур деформация ва жамиятдаги ахлоқий инқирознинг индикаторидир. Ретроспектив таҳлил шуни кўрсатадики, жамият гуманизм сари интилгани сайин, “шафқатсизлик” тушунчасининг ҳуқуқий чегаралари кенгайиб (нафақат жисмоний, балки психологик босим ҳам киритилмоқда), унга бериладиган жазолар эса қаттиқлашмоқда”

Аннотация. Мақола инсоният тамаддунининг турли босқичларида “ўта шафқатсизлик билан” содир этилган жиноятлар феноменининг тадрижий ривожланиши ва ретроспектив таҳлилига бағишланган. Қадимги даврлардан бошлаб, ўрта асрлар, янги давр ҳамда замонавий давргача бўлган эволюция кўриб чиқилади. Шафқатсизлик тушунчаси давлат жазоси воситасидан индивидуал жиноятчининг энг қабиҳ усули сифатидаги оғирлаштирувчи ҳолатга ўтиши инсон ҳуқуқлари эволюцияси билан боғлиқлиги таъкидланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида “ўта шафқатсизлик”нинг ҳуқуқий мазмуни, садизм, геноцид, маньяклик каби боғлиқ тушунчалар таҳлил қилинади. Тарихий босқичлар ҳамда шов-шувли жиноятлар мисолида феномен кўрсатилади.

Таянч сўзлар. Ўта шафқатсизлик, криминология, ретроспектив таҳлил, шафқатсизлик эволюцияси, қадимги ҳуқуқ, ўрта асрлар қийноқлари, инсон ҳуқуқлари, Жиноят кодекси, садизм, маньяк, геноцид, профилактика.

Кириш. Тамаддунининг турли босқичларида трансформациялашиб келаётган **жиноятчилик феномени** ичида “ўта шафқатсизлик билан” содир этилган қилмишлар ўзининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва деструктив, ноинсоний табиати билан алоҳида ажралиб туради.

Криминология фанининг фундаментал тадқиқот объектларидан бири ҳисобланган ушбу тоифадаги жиноятлар, шахсга нисбатан оддий зўравонлик чегарасидан чиқиб, жабрланувчига максимал даражадаги **экзистенциал, жисмоний ва психологик изтироб** етказишни ифодалайди.

Мазкур жиноий хатти-ҳаракатларнинг детерминациясини ўрганишда фақатгина ҳуқуқий квалификация билан чекланмай, балки жиноятчининг

психо-эмоционал типологияси, жиноий мотивларнинг шаклланиши ҳамда ижтимоий муҳитнинг шахс деформациясига таъсири каби криминологик жиҳатларга алоҳида урғу бериш талаб этилади.

Тарихий-ҳуқуқий тараққиёт жараёнини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, “ўта шафқатсизлик” тушунчаси жамиятнинг ахлоқий-ҳуқуқий мезонлари ва гуманистик қарашлари эволюцияси билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Замонавий жиноят ҳуқуқи доктринасида ушбу тушунча нафақат жиноятни **оғирлаштирувчи ҳолат**, балки **инсон кадр-қимматига қарши қаратилган энг қабих тажовуз** сифатида квалификация қилинади.

Бундай жиноятлар инсоният тарихи давомида турли шаклларда намоён бўлиб, ижтимоий муносабатлар, ахлоқий меъёрлар ва ҳуқуқий тизимлар ривожини билан бирга ўзгариб келган.

Шу аснода, “ўта шафқатсизлик билан” содир этилган жиноятларни батафсил тадқиқ қилиш, мазкур тушунчанинг тарихи, уни ифодаловчи атамаларнинг келиб чиқиши, шу турдаги шов-шувли жиноятлар ҳамда уларнинг тарихий ривожланиш босқичларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилишни назарда тутати.

Қадимги даврларда ҳам “ўта шафқатсизлик билан” кўплаб жиноятлар содир этилган бўлса-да, ушбу тушунча мавжуд “ҳужжатлар”да алоҳида ҳуқуқий феномен сифатида белгиланмаган. Жиноятлар “ўта шафқатсизлик билан” содир этилганлиги бўйича тавсифланмаган.

Бу даврлардаги ҳуқуқий тизимнинг ўзига хослиги шундаки, жисмоний азоб етказиш даставвал, жазо тизимининг асосий таркибий қисми бўлган ва у, ҳозирги маънодаги “ўта шафқатсизлик” сифатида баҳоланмаган.

Қадимги жамиятларда жиноят ва жазо тушунчалари асосан қасос (lex talionis) тамойилига асосланган. Яъни, жиноятчиликка қарши курашишга қаратилган мавжуд тартиб-таомилларга асосан, етказилган зарарга айнан шу кўриниш ва шаклда жавоб қайтаришга эътибор қаратилган.

Хусусан, инсоният тарихидаги энг қадимги ёзма қонунлар мажмуаларидан бири бўлган ҳамда милoddан аввалги XVIII асрда Бобил шоҳи Хаммурапи томонидан яратилган, кенг кўламли ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларни қамраб олган, 282 моддадан иборат – **“Хаммурапи қонунлари”** шафқатсизлик тушунчасининг дастлабки ҳуқуқий шаклланишида муҳим ўрин тутган. Унга кўра, жазонинг жиноятга муносаббалини таъминлаш мақсадида **“кўзга-кўз, тишга-тиш”** принципи қўлланилган. Жиноят усули ва оқибатларига қараб жазонинг оғирлаштирилиши назарда тутилган.

Шунингдек, **“Қадимги Рим ҳуқуқи”**нинг ҳам шафқатсизлик тушунчасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда ўрни мавжуд. “XII жадвал қонунлари” (мил.авв. 451-450) жиноятларни содир этилиш усулига кўра фарқлаган. “Crudelitas” (шафқатсизлик) ва “saevitia” (зулм) тушунчалари алоҳида юридик категория сифатида қўлланилган. Рим юристлари **Ульпиан** ва **Папиниан** жиноятнинг “ўта шафқатсизлик” билан содир этилишини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этганлар. Қолаверса, Қадимги Римда ҳам жазолар оммавий ва қаттиқ бўлган (масалан, крестга миҳлаш,

ареналарда ўлдириш). Мазкур ҳолатларда шафқатсизлик давлат сиёсати ва ижтимоий назорат воситаси сифатида намоён бўлиб, **“конструктив аҳамиятга эга”** бўлган.

Бундан ташқари, милоддан аввалги II асрдаги **“Қадимги Ҳинд ҳуқуқи”**да **Ману қонунлари** (Дхармашастра) шафқатсизлик тушунчасини **“ҳимса”** (зарар етказиш) ва **“атикрура”** (ўта шафқатсизлик) каби тушунчалар орқали ифодалаган ва фарқлаган. Жиноятнинг оғирлигини аниқлашда, унинг содир этилиш усули, жабрланувчининг ижтимоий мавқеи ва айбдорнинг ниятига алоҳида эътибор қаратилган. Шафқатсизларча содир этилган жиноятлар учун **“тириклайин ёқиш”**, **“қайноқ мой қуйиш”** каби жазолар белгиланган бўлиб, бу жазолар жиноятнинг шафқатсизлик даражасига мутаносиб тарзда қўлланилган.

Ўрта асрларда шарқ дунёсида шафқатсизлик тушунчасининг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишида Ислом ҳуқуқи ва шариат нормалари (VII-XV асрлар)нинг аҳамияти бекиёс.

Ислом ҳуқуқида жиноятлар жиноят ва жароҳат етказиш категорияларига бўлинган бўлиб, уларни содир этиш усулига алоҳида аҳамият берилган. Хусусан, Ислом дини манбаси бўлмиш – Қуръони Каримда инсон ҳаётига қасд қилиш гуноҳ эканлиги, шафқатсизларча одам ўлдириш оғир гуноҳлар қаторига кириши қайд этилган. Фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) илмида **“ғализ қатл”** (шафқатсизларча ўлдириш) тушунчаси алоҳида ҳуқуқий норма сифатида шаклланган. Имом Абу Ханифа, Имом Шофеъий ва бошқа фақиҳлар жиноятнинг содир этилиш усулини **жазо тайинлашнинг муҳим мезони** деб белгилаганлар.

Марказий Осиё ҳуқуқий анъаналарида эса **“Темур тузуклари”** алоҳида ўрин тутди. Унда жиноятларнинг турли категориялари ва улар учун жазолар батафсил белгиланган. Шу жумладан, шафқатсизларча содир этилган жиноятлар алоҳида оғир категория сифатида кўрилган ва улар учун энг оғир жазолар назарда тутилган. Тузукларда **“золимлик билан одам ўлдириш”** учун жазони оғирлаштириш тамойили мустаҳкамланган бўлиб, бу жиноят содир этиш усулининг жазога таъсири ҳақидаги илк ҳуқуқий ёндашувлардан биридир.

Ўрта асрлар Европасида эса, 1533 йилда эълон қилинган Муқаддас Рим империясининг **Каролина кодекси** (Constitutio Criminalis Carolina) тарихий-ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳужжат бўлиб, унда биринчи марта шафқатсизлик жиноятни квалификация қилишнинг **расмий мезони** сифатида қайд этилган. Кодекснинг 130-137-моддаларида одам ўлдиришнинг турли усуллари, шу жумладан **“заҳарлаш”** ва **“қийноққа солиб ўлдириш”** алоҳида квалификация белгиси сифатида қайд этилган. Мазкур кодекс жиноятнинг содир этилиш усулини жиноий квалификациянинг ажралмас қисми сифатида мустаҳкамлаган **биринчи ёзма қонунлардан бири** ҳисобланади.

Ўрта асрларда Европа ҳудудида Испан инквизицияси фаолияти доирасида, ўзида **“ўта шафқатсизлик”**ни намоён этувчи **қийноқлар қонуний тергов усули** сифатида қўлланилган. Бундай шафқатсизлик гўёки **“руҳни қутқариш”** ёки **“динни ҳимоя қилиш”** ғоялари билан оқланган.

Жумладан, давлат томонидан қуйидаги ўта шафқатсизлик усуллари қўлланилган:

Страппадо, шунингдек, корда номи билан ҳам танилган, жабрланувчининг қўллари орқасига боғланиб, билакларига боғланган арқон билан осиб қўйиладиган қийноқ тури бўлиб, одатда елкаларни чиқариб юборган. Таъсирни ва оғриқни янада кучайтириш учун танага оғирликлар қўшилган. Бу ҳолат бир соатдан ошганида ўлим ҳолатлари кузатилган.

Чўзувчи қурилма энг машҳур қийноқ воситаси бўлган. Қурбоннинг қўл-оёқлари рамкага боғланиб, роликлар ёрдамида секин-секин чўзилган. Бу мушаклар, бўғимлар ва умуртқаларнинг йиртилиши ва узилишига, суяклар синишига олиб келган.

Water torture усули. Бунда инсоннинг қўл-оёқлари боғланиб, тескари ҳолатда, оғизга мато тикилиб, матонинг устидан сув қуйилган. Натижада — қурбон ўзини “чўкиб кетаётгандек” ҳис қилган ва кўп ўтмай ҳалок бўлган.

Pear of Anguish усулида — нок шаклидаги металл қурилма инсоннинг оғиз, қин ёки орқа чиқарув йўлга киритилган ва винт ёрдамида очиб юборилган. Бунинг оқибатида, инсоннинг ички аъзолари шикастланиб, йиртилиб, кесилиб кетган.

Шу билан бирга, мазкур даврларда тириклайин гулханда ёқиш, тириклайин кўмиб юбориш, узок вақт овқат ва сув бермаслик, қариндошлари олдида жисмоний азоб бериш каби ўта шафқатсизлик усуллари кенг қўлланилган. Шундай бўлса-да, мазкур усуллар давлат томонидан, жазо сифатида қўлланилган ва “ижтимоий фойдали ҳодиса” деб талқин қилинган.

Бундан фарқли ўлароқ, шарқ ҳуқуқий манбаларида, жиноят ва жазо муносабатлари кўпроқ адолат ва мутаносиблик тамойилларига асосланган бўлиб, ортиқча шафқатсизлик қўлланилмаган.

XVIII асрда Европада маърифатпарварлик ғоялари таъсирида жиноят ҳуқуқида туб ўзгаришлар рўй берди. Италиян олими Чезаре Беккариянинг **“Жиноятлар ва жазолар ҳақида”** (1764) асари жиноят ҳуқуқи фанининг асос тоши бўлди. Беккария шафқатсиз жазоларга қарши чиқиб, **жазонинг жиноятга мутаносиблиги тамойилини** илгари сурган. Бу жиноятнинг содир этилиш усулини жазо тайинлашда инобатга олиш ҳақидаги илмий назарияларнинг ривожланишига кучли туртки берди.

Шу билан бирга, ушбу тушунчанинг шаклланишида ўз ҳиссасини қўшган **Наполеон жиноят кодекси** билан “жиноятнинг оғирлаштирувчи ҳолатлари” тизими илк бор тўлиқ кодификация қилинган. Кодексда “torture” (қийноққа солиш), “barbarie” (вахшийлик) ва “cruaute” (шафқатсизлик) тушунчалари алоҳида ҳуқуқий категориялар сифатида таърифланган. Қотилликнинг “ўта шафқатсизларча” содир этилиши (assassinat) оддий одам ўлдиришдан алоҳида квалификация қилинган бўлиб, бу замонавий жиноят ҳуқуқида шафқатсизликни квалификация белгиси сифатида қўллашнинг асосий тамойилларини шакллантирган.

Ўз навбатида, 1845 йилда Россия империясида қабул қилинган **“Жиноий ва тузатиш жазолари тўғрисидаги Низом”** Ўрта Осиё ҳуқуқий тизимига бевосита таъсир кўрсатган ҳужжатлардан биридир. Мазкур

Низомнинг 1453-1472-моддаларида одам ўлдиришнинг турли шакллари, шу жумладан, “ўта қаттиқ шафқатсизлик билан” содир этилган қотилликлар алоҳида категория сифатида белгиланган. “Зверство” (вахшийлик) ва “жестокость” (шафқатсизлик) тушунчалари ўша даврда аниқ юридик мазмунга эга бўлган.

Қолаверса, **Собик иттифок ҳуқуқий тизимида** ҳам шафқатсизлик ўзига хос тарзда тавсифланган. Чунончи:

1919 йилги РСФСР Жиноят ҳуқуқида – жиноятнинг содир этиш усулини жазо тайинлашда инобатга олиш тамойили биринчи марта белгиланган;

1922 йилги РСФСР Жиноят кодексида — одам ўлдиришнинг оғирлаштирувчи ҳолатлари (ўта шафқатсизлик билан) 142-моддада белгиланган;

1926 йилги РСФСР Жиноят кодексининг янги таҳририда — шафқатсизлик белгиси аниқроқ ифодаланган. “Ўта шафқатсизлик” алоҳида квалификация белгиси сифатида мустаҳкамланган;

1959 йилги Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 86-моддасида қасддан одам ўлдиришнинг оғирлаштирувчи белгилари орасида “ўта шафқатсизлик” алоҳида банд сифатида белгиланган;

1960 йилги РСФСР Жиноят кодексининг 102-моддаси “в” бандида “ўта шафқатсизлик билан” одам ўлдириш квалификация белгиси сифатида аниқ мустаҳкамланган;

1966 йилги СССР Олий суди пленумининг қарори билан “ўта шафқатсизлик” тушунчасига биринчи расмий шарҳ берилган;

1987 йилги СССР Олий суди пленумининг “Қасддан одам ўлдириш ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” 1-сон қарорида — шафқатсизлик мезонлари батафсил қайд этилган.

Шундай қилиб, XVIII–XIX асрларда жиноят ҳуқуқи тизимининг шаклланиши, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожланиши натижасида қийноқ ва шафқатсиз жазоларга нисбатан танқид кескин кучайган.

Шу сабабли кейинчалик ушбу қарашлар янада ривожланиши натижасида, **шафқатсизликка қарши “1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 5-моддасида — ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак; 1966 йил 16 декабрь кунги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 7-моддасида - ҳеч ким қийноқларга ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомалага ёки жазога дучор этилмаслиги керак; 1984 йил 10 декабрь кунги Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши Конвенциянинг 2-моддасида — ҳар бир иштирокчи давлат унинг юрисдикциясидаги исталган ҳудудда қийноқ ҳаракатларининг олдини олиш учун самарали қонун чиқариш, маъмурий, судлов ва бошқа чораларни кўради ҳамда 4-моддасида — ҳар бир иштирокчи давлат ҳамма қийноқ ҳаракатлари унинг жиноят қонунчилигига мувофиқ**

равишда кўриб чиқилишини таъминлайди. Айни шу нарса қийноққа ва исталган шахснинг азоблашда шериклиги ёки қатнашувидан иборат ҳаракатларига ҳам тегишлидир. Ҳар бир иштирокчи давлат бундай жиноятлар учун уларнинг оғирлик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда тегишлича жазолар тайинлайди” деган нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Юқоридаги нормалар ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳолялари таъсирида шаклланган **Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида** ҳам “ўта шафқатсизлик билан” жиноят содир этиш, алоҳида усул ҳамда жавобгарлик ва жазони оғирлаштируви ҳолат сифатида, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодекси ва 2004 йил 24 сентябрдаги Олий суд пленумининг 13-сон “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” қарори билан жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Хусусан ўта шафқатсизлик, Жиноят кодексининг 97-модда 2-қисм “ж” банди, 104-модда 2-қисм “в” банди, 105-модда 2-қисм “г” банди, 126¹-модда 5-қисм “в” банди ҳамда 126¹-модда 7-қисм “в” бандидага асосан жавобгарликни, 56-модда 1-қисми “д” бандига кўра жазони оғирлаштируви ҳолат сифатида белгиланган.

“Ўта шафқатсизлик” жиноят содир этиш усули сифатида кенг маънога эга бўлиб, аслида унинг кўринишлари чегарасиз бўлиши мумкин. Чунки, инсонга нисбатан ўта шафқатсизлик билан жисмоний ва руҳий азоб бериш ёки шу усулда ўлдириш турли йўллар билан содир этилиши мумкин. Қолаверса, мазкур усуллар ҳам замон билан бирга янада ўзгариб бориши кўзга ташланган. Чунончи, юқорида айтиб ўтилганидек қадимда ўта шафқатсизлик асосан давлат томонидан қўлланиладиган жазоларда акс этиб, тириклайин ёқиш, кўмиб юбориш, суякларни синдириш каби кўринишларда намоён бўлган.

Жумладан, ҳозирги кунда “ўта шафқатсизлик” усулида зарар етказишга қаратилган жазолар давлат томонидан қўлланилишига чек қўйилган бўлса-да, мазкур усулда жиноятлар содир этилиши бот-бот кўзга ташланиб туради. Бунда усуллар ҳам қисман трансформацияга учраган, бироқ, усулларнинг мазмун-моҳияти ўзгаришсиз қолган.

Шундай бўлса-да, ўта шафқатсизликни янада чуқурроқ таҳлил қилишда қуйидаги атамалар маъноси ва уларнинг келиб чиқишига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки ўта шафқатсизлик айнан мазкур ҳолатлар билан боғлиқ ҳолатларда кўплаб содир этилган ва содир этилиб келинмоқда.

Садизм атамаси кенг маънода зўравонликка мойиллик ва инсонларни хўрлаш, уларни қийноққа солишдан завқланишни англатади. Садизм француз ёзувчиси Маркиз де Сад номи билан боғлиқ бўлиб бўлиб, бошқаларга азоб беришдан лаззат олиш ҳолатини англатади. Бу тушунча XIX асрда психиатрия ва криминологияга кириб келган.

Атама фанга, биринчи марта австриялик-герман психиатри Ричард фон Краффт-Эбинг томонидан илмий муомалага киритилган. Олим садизмни ўзининг 1886 йилда нашр этилган “Psychopathy Sexualis” монографиясида зарар етказиш орқали завқланиш истаги сифатида талқин қилган. Ҳозирги кунда садизмнинг жинсий кўриниши кўпроқ қайд этилмоқда.

Геноцид, юнончадан олинган сўз бўлиб, 1944 йилда поляк яҳудий адвокати, ҳуқуқшунос Рафаэль Лемкин томонидан илмий муомалага киритилган. Бу атама муайян миллат, этник ёки диний гуруҳни тўлиқ ёки қисман йўқ қилиш (Пигмейлар, Маорилар геноциди, Холокост кабилар)га қаратилган ҳаракатларни англатади ва қуйидаги белгиларга эга бўлади:

- маълум гуруҳ аъзоларининг ўлдирилиши;
- гуруҳ аъзоларига жиддий тан жароҳати етказиш ёки руҳий зарар етказиш;
- гуруҳда туғруқнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ;
- болаларни бир инсон гуруҳидан бошқасига мажбуран ўтказиш;
- ушбу гуруҳни тўлиқ ёки қисман жисмоний йўқ қилишга мўлжалланган қасддан яшаш шароитларини яратиш.

Маньяк – бу руҳий жиҳатдан ғайритабиий, жиноий мойилликка эга, одатда одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик қилишга, жинсий ёки бошқа турдаги зўравонликка (масалан, қотиллик, зўрлаш) ўч бўлган, ўз ҳаракатларини назорат қила олмайдиган шахс. Бу тушунча одатда жинсий жиноий маньяк ёки серияли қотил маъносида ишлатилади. Маньяк ўз хусусиятига кўра, ҳам тиббий ҳам ҳуқуқий тушунча бўлиб, одатда руҳий жиҳатдан бузилган, зўравонлик ҳаракатларидан ғайритабиий ҳиссий қониқиш оладиган, бир турдаги жиноятларни қайта-қайта содир этадиган, ташқи кўринишидан соғлом одамдек кўринадиган шахсдир. Ҳозирги вақтда ушбу тушунчаси асосан қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондириш жиноятларини, такроран содир этган шахсларга нисбатан ишлатилмоқда.

Ўта шафқатсизлик билан содир этиладиган жиноятларни, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидагича даврлаштириш мақсадга мувофиқ саналади.

1-босқич: Индивидуал ва оммавий жазо шакллари (қадимги давр – XVII аср)да ифодаланади.

Бу босқичда шафқатсизлик асосан давлат томонидан жазо чораси сифатида қўлланилган. Оммавий қатллар ва қийноқлар жамиятни бўйсундириш, қўрқитиш ва тартибни сақлаш воситаси сифатида қўрилган.

2-босқич: Индустириал микёсдаги шафқатсизлик (XX аср). XX асрда технология ва бюрократик тизимлар ривожини натижасида шафқатсизлик оммавий ва индустириал тус олди. Бунга мисол сифатида Гитлер Германияси томонидан яҳудийларга нисбатан содир этилган Холокост, Камбоджадаги қизил кхмерлар геноцид ва Руанда геноцидларини келтириш мумкин.

Бу босқичда шафқатсизлик идеологик асосда ва давлат сиёсати даражасида амалга оширилган.

3-босқич: Замонавий давр — индивидуал шафқатсизлик ва терроризм. XXI асрга келиб, ўта шафқатсизлик ўзининг асл моҳиятига кўра тавсифланади бошланди. Яъни, ўта шафқатсизликнинг нафақат давлат томонидан, балки индивидуал кўринишлари ҳам тадқиқ қилина бошланди. Мавжуд жиноий қонунчилик ҳужжатларига ушбу тушунча киритилди ва оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолана бошланди.

Шунга кўра, ўта шафқатсизлик қотиллик вақтида, шунингдек, баданга тан жароҳати етказиш вақтида содир этиладиган, шахсга ҳаддан ортиқ азоб беришга қаратилган ҳаракатлар мажмуи сифатида таърифлана бошланди. Давлат томонидан содир этилиш ҳолатлари сезиларли даражада камайди.

Ўта шафқатсизлик билан содир этилган жиноятлар жамиятда доимо кучли резонанс уйғотади. Бундай жиноятлар нафақат инсон ҳаётига тажовуз, балки жабрланувчига азоб етказиш, қўрқув муҳитини яратиш ва жамиятнинг ахлоқий асосларига зарба бериш билан характерланади. Криминология нуқтаи назаридан, бундай жиноятлар индивидуал мотивлар, психопатология, ижтимоий изоляция ва назоратга бўлган патологик эҳтиёж билан боғлиқ ҳолатда содир этилади.

Бундай жиноятларда жабрланувчига етказиладиган азобни максималлаштириш, яъни жабрланувчини ўлдириш эмас, балки азоблаш жараёни марказий ўрин эгаллайди. Жабрланувчи инсон сифатида эмас, шунчаки бир объект, буюм сифатида кўрилади, айрим ҳолларда жиноятлар рамзий тарзда муайян фантазия ёки ички сценарийлар асосида қайта такрорланади. Қуйида содир этилган ва жамият орасида катта шов-шувларни келтириб чиқарган жиноятлар келтириб ўтилади.

Андрей Чикатило. 1936 йилда Украинада туғилган А.Чикатило болалигида тенгдошларининг масхара объекти бўлганлиги сабабли, нормал ўқий олмаган, ўртоқлари томонидан қабул қилинмаган. Ёшлигида туғма неврологик касаллик – гидроцефалия билан оғриган. Нисбатан балоғат ёшида ҳам сийдик ушлаб тура олмаслик муаммосидан азият чекканлиги сабабли онаси томонидан кўп калтакланган. Ҳарбий хизмат вақтида эса хизматдошларидан масхара, ҳақорат ва жинсий тажовузга учраган, қолаверса, “ватан хоини”нинг ўғли бўлган ушбу “маньяк” юқоридаги ҳолатлар таъсирида дунёга нисбатан нафрати шакллана бошлаган.

Бунинг оқибатида у 1957-1990 йилларда, “ўта шафқатсизлик” билан жами 56 та қотилликни содир этган.

Жиноятларини ўғил болаларнинг мойгини кесиб ташлаш, аёлларнинг кўкрак безини ғажиб, жинсий аъзоларини кесиш, пичоқ билан таналарига кўп сонли жароҳатлар етказиш, кўзларини ўйиб олиш орқали содир этган.

Ўзбек чикатилоси. 1973 йилда Ўзбекистонда туғилган Б.Матёкубов маъшуқасидан қабул қилган хиёнат алаmidан Ўзбекистон, Украина ва Россияда 10 дан ортиқ аёлларни “вахшийларча” ўлдирган.

дастлаб у, 2015 йилда Москвада гўёки “*болалари ва оиласи бўла туриб, бошқа эркак билан юрганидан газабланиб*” ўзи билан учрашган 36 ёшли Юлия Анпиловани ўлдириб, жасадини ариққа ташлаб юборади ва “*Москвада битта фоҳиша камайганидан мамнунлигини*” ни билдиради. Гўёки шу ваз билан ўзини оқлайди ва таскин беради.

Жиноятни содир этиб, Ўзбекистонга қочиб келган ушбу “маньяк” келганига бир неча соат ўтмасдан Тошкентда, дорихона ходимасини, сўнгра яна икки аёлни шафқатсизларча ўлдиради, бирини бошини узиб олади.

Бу жинояти ҳали очилмасдан, Киевга қочган Б.Матёкубов гўёки “*ҳамма аёл фоҳиша*” фикри билан юриб, улардан “*аёллардан ўч олиш*” ниятида

давом этади. Натижада, Теремки метро бекати ёнида 47 ёшли Наталя Олимпченкони ҳамда бир неча кун ўтиб, боғда сайр қилиб юрган 77 ёшли аёлни, 20 га яқин пичоқ билан жароҳат етказиб ўлдиради.

Бу жиноятлардан сўнг яна Москвага келган “маньяк” Россия пойтахтида у яна бир неча аёлни – Измаиловский боғида 44 ёшли Элмира Гусенкони, Москва қандолат дўконида 35 ёшли Наталья Елькини ва тиббий буюмлар дўконида 53 ёшли Ирина Чекановани ўлдиради.

Қўлга олинганидан сўнг, Б.Матёкубов “*завқ билан жиноятлари тафсилоти ҳақида гапира бошлайди, агар улар уни тўхтатмасалар, у ўлдиришида давом этишини*” маълум қилади.

Тергов давомида унинг ақли расо экани ва ўз қилмишлари учун тўлиқ жавобгарлиги тўлиқ тасдиқланган ва 2016 йил охирида Украинада умрбод озодликдан маҳрум этилган.

“Шовотландия иши”. 2021 йил 27 февраль куни Тошкент шаҳри Чилонзор тумани, “Шарқ” маҳалласи, Гулистон кўчаси 9А-уй манзилида жойлашган “Шовотландия-1” МЧЖ кафе қасддан ёқиб юборилиши натижасида, 5 киши ёниб кетиб, ҳалок бўлган. Жиноятни илгари уч маротаба судланган, муқаддам таркибида бир неча уюшган жиноий гуруҳлар мавжуд бўлган қуролли жиноий уюшмани бошқарган ва “авторитет” деган ном чиқар 36 ёшли шахс ҳамда жазони ижро этиш муассасасида унинг салбий таъсирига тушиб қолган 26 ёшли бошқа бир илгари судланган шахс содир этганлиги аниқланган. Суд ҳукми билан улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмининг “а, в, д, ж, п” бандлари, 165-моддасининг 1-қисми, 173-моддаси 2-қисмининг “б, в” бандлари ҳамда 97-моддаси 2-қисмининг “а, в, д, ж, п” бандлари, 173-моддаси 2-қисмининг “б, в” бандлари билан айбли деб топилган ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ер юзида инсон пайдо бўлибдики, жиноятлар, шу жумладан, ўта шафқатсизлик билан содир этиладиган жиноятлар содир этилади. Чунки бу ҳолат объектив ҳодиса бўлиб, инсон борки давом этади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, “ўта шафқатсизлик билан” содир этиладиган жиноятлар инсоният тамаддунининг ажралмас, бироқ деструктив ҳамроҳи сифатида эволюцион йўлни босиб ўтди. Шунга мувофиқ, ушбу феномени ретроспектив таҳлил қилиш орқали қуйидаги фундаментал хулосаларга келиш мумкин:

1. Концептуал трансформация. Тарихий жараёнда шафқатсизлик тушунчасининг ҳуқуқий табиати тубдан ўзгарди. Агар илгари шафқатсиз усуллар давлат сиёсати даражасида, диний ва дунёвий ҳокимиятлар томонидан “адолатни қарор топтирувчи жазо воситаси” сифатида легитимлаштирилган ва ижтимоий зарур деб қабул қилинган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу тушунча фақатгина жиноят содир этишнинг энг қабих усули ва оғирлаштирувчи ҳолат сифатида квалификация қилинмоқда. Бу эса инсониятнинг ахлоқий-ҳуқуқий онги “талион” (қасос) принциpidан гуманизм парадигмасига ўтганлигидан далолат беради.

2. Замонавий ҳуқуқий императив. Бугунги кунда шафқатсизликка нисбатан мурасасизлик нафақат миллий қонунчиликнинг, балки халқаро ҳуқуқ тизимининг ҳам устувор йўналишига айланди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг глобал механизмлари ҳар қандай кўринишдаги қийноқ ва шафқатсиз муомалани инсон қадр-қимматига қарши қаратилган экзистенциал таҳдид деб ҳисоблайди.

3. Профилактик стратегия. Шафқатсизлик билан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш фақат жазо чораларини кучайтириш билан эмас, балки қуйидаги комплекс ёндашув орқали самара беради:

- жамиятнинг ҳуқуқий ва ахлоқий маданиятини тизимли юксалтириш;
- зўравонликка мойил бўлган шахсларни эрта аниқлашнинг психологик-криминологик мониторингини йўлга қўйиш;
- девиант хулқ-атвори жиловлашда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг солиштирма ҳамкорлигини таъминлаш.

Юқоридагиларга кўра, мазкур муаммонинг ретроспектив ва замонавий қиёсий таҳлили нафақат ўтмиш хатоларини ўрганиш, балки келажақдаги эҳтимолий жиноий таҳдидларга қарши превентив (олдини оловчи) механизмларни ишлаб чиқишда стратегик илмий асос бўлиб хизмат қилади. Шафқатсизликнинг тарихий илдизларини англаш, унинг замонавий кўринишларини жиловлашнинг энг самарали калитидир.